



DESCRIPTION OF ARCHIVAL COLLECTIONS RELATED TO THE CUSTOMS POLICY CONDUCTED BY THE RUSSIAN EMPIRE IN TURKESTAN

Tuygun Ernazarov

Doctoral Student

*Sharaf Rashidov Samarkand State University
Samarkand, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Customs policy, orders of the customs department, orders book, orders, note book of special opinions, minutes of meetings.

Received: 27.11.24

Accepted: 29.11.24

Published: 01.12.24

Abstract: In the article, the customs policy, customs system, trade relations of the Russian Empire in the territory of Turkestan, documents related to the activities of the customs in Turkestan, documents and compilations, reports and statistical collections kept in the archives and their internal structure were studied.

ТУРКИСТОНДА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ТОМОНИДАН ЮРИТИЛГАН БОЖХОНА СИЁСАТИГА ОИД АРХИВ ЖАМҒАРМАЛАРИ ТАВСИФИ

Туйғун Эрназаров

Докторант

*Шароф Рашидов номли Самарқанд давлат университети
Самарқанд, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Божхона сиёсати, божхона департаменти бўйича бўйруқлар, бўйруқлари дафтари, фармойишлар, алоҳида фикрларни қайд этиш дафтари, ийғилишлари баённомалари.

Аннотация: Мақолада Россия империясининг Туркистон ўлкасидағи божхона сиёсати, божхона тизими, савдо муносабатлари, Туркистонда божхоналар фаолияти билан боғлик хужжатлар, архивларда сақланаётган хужжатлар ва ички тузилиши ҳақида тадқиқот олиб борилган.

ОПИСАНИЕ АРХИВНЫХ КОЛЛЕКЦИЙ, СВЯЗАННЫХ С ТАМОЖЕННОЙ ПОЛИТИКОЙ, ПРОВОДИМОЙ РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИЕЙ В ТУРКЕСТАНЕ

Туйғун Ерназаров

Докторант

*Самаркандинский государственный университет имени Шарофа Рашидова
Самаркандин, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: таможенная политика, приказы таможенного органа, книга приказов, приказы, журнал особых мнений, протоколы заседаний.

Аннотация: В статье рассмотрены таможенная политика, таможенная система, торговые отношения Российской империи на территории Туркестана, документы, связанные с деятельностью таможни в Туркестане, документы и сборники, отчеты и статистические сборники, хранящиеся в архивах, их внутренняя структура. были изучены.

Кириш. XIX асрнинг 60-80-йилларида Россия империяси томонидан босиб олинган Туркистон, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қарам давлатларга айлантирилган Бухоро ва Хива давлатларида империя хукумати томонидан жамият ҳаётининг барча соҳаларига доир сиёсий таъсир кўрсатиш механизmlарини ишлаб чиқилган ва амалга оширилган. Бу сиёсий механизmlарнинг негизида Туркистон халқини асоратга солиш, унинг тараққийси учун хизмат қилиши мумкин бўлган ҳар қандай йўл ва воситаларни чеклаб қўйиш, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг деярли барча кирраларини назорат қилиш ётар эди.

Россия империясига қарамлик даврида мустамлака маъмурият учун муҳим бўлган иқтисодий йўналишлардан бири божхоналар фаолияти билан боғлиқ жараёнлар бўлиб, Туркистонда дастлаб ўзининг мавжуд ҳолатида фойдаланилган бу соҳа, вақт ўтиши билан империяда амалда бўлган божхона тизимининг меъёрлари ва усуллари бўйича фаолият кўрсата бошлаган. Мустамлакачи маъмурят учун божхоналар босиб олинган ерлар ва тобе этилган мамлакатлардан (Бухоро ва Хива) янада кўпроқ фойда олиш нуқтаи-назаридан ҳам аҳамиятли эди.

Шу жиҳатдан 1865-1917 йилларда Туркистонда божхоналар фаолияти билан боғлиқ расмий ёзишмалар, иш юритиш ва шахсий таркиб ҳужжатлари, ҳисботлар ва статистик тўпламлар мустамлака давр ҳужжатли манбаларининг катта уммонида салмоқли улушга эга. Уларнинг манбашунослик нуқтаи-назаридан ўрганилиши, таснифланиши ва тарихий манба ўлароқ аҳамиятининг очиб берилиши ўзбек тарихчилиги олдига қўйилган мақсадларга кўра ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Адабиётларни таҳлил қилиш. Умуман олганда сўнгти йилларида тарихчиларимизнинг сайъ-харакатлари билан юртимиз 19-юзийиллик иккинчи ярми – 20-юзийиллик бошлари тарихининг муҳим саҳифалари очилмоқда. Тадқиқотчиларнинг бу муваффақиятлари биринчи навбатда, мутлақо янги концептуал-методологик ёндошувларга, илмий обективлликка ва тарихий таҳлилнинг аниқлигига ҳамда янги тарихий манбаларнинг илмий муомилага киритилишига асосланган.[9,.3]

Туркистонда божхоналар фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар “иш” (дело) кўринишида тизимлаштирилган ва архивлар ташкил этилгунига қадар божхона идораларининг ўзида

сақланган. 1882-1883 йилларда ўлкани тафтиш қилған махфий маслаҳатчи Ф.К.Гирснинг ҳисоботига кўра, барча ишлар рўйхатларга эга бўлиб, иш вараклари столлар ва алифбо бўйича рақамланган, шунингдек, ҳисоб-китоб дафтарлари ҳам тўғри юритилган. Тугатилган ишлар архив бўлмаганлиги сабабли, алоҳида омборда сакланган, йиллар ва хужжатларнинг хусусияти бўйича тартиб билан жойлаштирилган .[3]

1917-йилга қадар Туркистонда божхона идораларида юритилган ишлар божхоналарнинг ўзида, 1917 йилдан кейин Туркистон АССР ҳукуматининг 1919-йил 5-ноябрда қабул қилинган “Архив ишини қайта ташкил этиш ва марказлаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан ташкил этилган республика ва вилоят давлат архивларида сакланиб келинган. 1931 йилда ЎзССР Марказий давлат тарих архивининг ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон вилоятларида сакланаётган хужжатларнинг катта қисми (acosan 1865-1917 йилларга оид хужжатлар) Тошкентга кўчирилган ва архивнинг “История” ёки қисқача “И” ва тегишли тартиб рақами билан белгиланган (масалан, И-1, И-2, И-3 ва бошқ. – Т.Э.) жамғармалари ташкил этилган.

Тадқиқот таҳлили. Тарихчилик тадқиқотлари динамикасини кузатадиган бўлсак, 1917 йилдан кейин бу хужжатларнинг давлат архивларига келиб тушиши натижасида тарихчилар томонидан уларни ўрганиш имкониятлари пайдо бўлган.[8]

1958-йилда ЎзССР Марказий давлат тарих архиви ва ЎзССР октябр инқилоби ва социалистик курилиш Марказий давлат архивларининг бирлаштирилиши оқибатида ЎзССР Марказий давлат архиви ташкил топган эди. 1991-2019 йилларда мазкур архив Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви номи остида фаолият кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 20 сентябрда эълон қилинган“Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” гиқарори билан Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви Ўзбекистон Миллий архиви деб номланди.[6]

Бугунги қунда Ўзбекистон Миллий архив фонди 8 миллиондан ортиқ сақлов бирлигидан иборат бўлиб, улардан 1 миллион 600 мингдан ортиғи Ўзбекистон Миллий архивида сакланмоқда.[6] У давлатчилигимиз тарихи, ҳалқ ва давлат хўжалигининг турли соҳалари, маданият, илм-фан, маориф, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш ва бошқа ўнлаб соҳалар бўйича қимматли материалларнинг манбаи бўлган муассасадир. Илмий мероси нуқтаи назардан Миллий архив жамғармаларида сакланаётган хужжатларнинг қийматини ҳисоб-китоб қилишнинг эса мутлақо имкони йўқ. Архивда саклаётган ҳар бир хужжат бизнинг ўтган кунимиз, ўтмишимиз ва тарихимизни ёришишда бевосита ёки билвосита ўз аҳамиятига эгадир.

Марказий Осиё республикаларида энг бой ва энг катта бўлган мазкур архивда 1865-1917 йилларда Туркистонда (Бухоро ва Хива давлатларида ҳам) божхоналар фаолияти билан боғлиқ хужжатли манбалар турли жамғармаларда сақланмоқда. Хусусан, ўлкада Россия империяси хукмронлигининг дастлабки йилларида амалга оширилган божхона сиёсати, бож-закотхоналар фаолияти, умумимперия божхона меъёрларининг Туркистонда жорий этилиши, империя маъмуриятининг божхоначилик соҳасида юритган сиёсатидаги ўзгаришлар ва соҳа фаолияти билан бошқа жиҳатларини очиб беришга хизмат қилувчи хужжатлар Ўзбекистон Миллий архивининг И-46-(Туркистон божхона округи бошқаруви), И-121-(Тошкент шаҳар закотчилик бошқармаси), И-185-(Қўқон божхонаси), И-187-(Туркистон божхона округи 1-участкаси нозири), И-188-(Туркистон божхона округи 2-участкаси нозири), И-471-(Тошкент шаҳридаги карвон ва бозор йифимлари мудири) ва И-306-(Самарқанд божхонаси) жамғармаларида сақланмоқда.

Ўзбекистон Миллий архивининг 1948 йилда Г.Н. Чабров ва Н.А. Халфинлар томонидан тузилган йўл кўрсатгичида Туркистонда божхоналар фаолияти билан боғлиқ жамғармаларда сақланаётган сақлов бирликларининг умумий сони ва уларнинг иш юритишида бўлган саналари кўрсатилган.[7] Мазкур йўл кўрсаткич (мустамлака даврига оид жамғармалар учун) бундан 76 йил муқаддам тузилган бўлиб, ҳам моддий ва маънавий жиҳатдан замон талабларига мос эмас. Бунинг устига архивдаги жамғармаларнинг бугунги ҳолати унда келтирилган маълумотлардан анчайин фарқ қиласи. Бу хақда архив хужжатларининг етакчи тадқиқотчиларидан бири Б.Эргашев ҳам ўз тавсияларини бериб ўтган. Унинг ёзишича, ЎзРМА бўйича йўл кўрсаткичларни янгилаш вақти етиб келган, чунки 1948 йилда З.И.Агафонова ва т.ф.н. Н.А.Халфинлар томонидан тузилган йўл кўрсаткич фойдаланиш учун эскирган ва ҳозирги давр талабларига жавоб бермайди. [9]

Шундай бўлсада, Миллий архивнинг мавжуд йўл кўрсаткичи орқали тадқиқот доирасида ўрганилиши белгиланган жамғармалар тўғрисида умумий маълумотларга эга бўлиш мумкин. Шунингдек, унда жамғармаларнинг аксариятида сақланаётган хужжатли манбаларнинг турлари тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган.

Масалан, 1902-1917 йилларда фаолият кўрсатган Самарқанд божхонаси жамғармасида сақланаётган хужжатларнинг турларига эътибор қаратадиган бўлсак, улар асосан қуидагилардан иборат эканлигини кўриш мумкин:

- Божхона департаменти бўйича буйруқлар;
- Божхона раҳбарияти буйруқлари дафтари;
- Божхона бўйича умумий фармойишлар;
- Алоҳида фикрларни қайд этиш дафтари;
- Божхона хизматчилари йиғилишлари баённомалари;

- Ўлка маъмурияти, вилоят ва уезд бошқарувлари, юқори божхона идоралари билан турли масалаларда олиб борилган ёзишмалар;

- Божхона идоралари хукуқлари ва штатлари ва бошқалар.[7]

Шу билан бирга Ўзбекистон Миллий архивининг Туркистонда божхоналар фаолияти ва Россия империясининг божхона сиёсати билан боғлиқ жамғармаларда сақланаётган хужжатларнинг ташки хусусиятларига тўхталиш архив манбашунослигининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Мазкур хужжатлар учун хос бўлган ташки хусусиятларнинг аксарияти XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларига оид иш юритиш хужжатлари учун умумий ҳисобланади. Уларнинг асосий материали қоғоз бўлиб, у Россия корхоналарида тайёрланган. XIX аср иккинчи ярмида Россияда қоғоз ишлаб чиқаришнинг ривожланиши қоғоз турларининг кўпайишига, амалиётда газета, типография, литография, хужжат, ёзув, идора ва почта қоғози кабиларнинг кенг ёйилишига олиб келди. Бу ерда асосан 22x35,5, 21,0x26,7, 16,6x16,8 ва 18x22,5 см ўлчамдаги қоғозлардан фойдаланилган. Идораларда фойдаланилган қоғозларнинг ўлчамларини таҳлил қилганимизда, уларнинг амалда 44x35,5 см ўлчамдаги қоғозлардан қирқиб олингандигини кўришимиз мумкин. Фақат телеграммалар махсус қоғозга ёзилган бўлиб, уларнинг стандарт ўлчами 21,0x18,0 см дан иборат.[1.,31.]

Қоғознинг қайси туридан фойдаланиш хужжатнинг тайинловига, хужжат яратилган муассасанинг давлат органлари тизимидағи мавқейига боғлиқ бўлган.[4] Божхона идораларининг Россия империяси давлат органлари тизимидағи мавқейидан келиб чиқадиган бўлсак, уларда асосан ёзув қоғозларидан фойдаланилган дейиш мумкин. Тадқиқот жараёнига тортилган иш юритиш хужжатларининг ташки таҳлили ҳам ушбу ҳолатни тасдиқлади. Шундай бўлсада, юқорида номлари келтирилган жамғармаларда сақлаётган ишларда XIX аср иккинчи ярмида Россия империясида фойдаланилган қоғоз турларининг деярли барчасини кўриш мумкин.

Идора қоғозларининг ўзига хос хусусияти уларнинг кўпчилигига штемпел белгиси бўлиб, (масалан, Сергеев фабрикаси № 7) бу қоғознинг тайёрланган жойи ва сифатини аниқлашга имкон беради, қатор ҳолатларда эса хужжатнинг яратилган вақтини аниқлаш учун муҳим маълумот ҳисобланади. Шунингдек, иш юритишида қоғознинг алоҳида тури – тамғали қоғозлардан ҳам фойдаланилган ва уларга асосан даъво аризалари, илтимосномалар, арзномалар ёзилган. Бу учун давлат фойдасига алоҳида тамға йиғими ундирилган.[5] Одатда бундай қоғозларнинг юқори ўнг бурчагида давлат герби туширилган ва қоғознинг нархи кўрсатилган.

Жамғармаларда ўрин олган хужжатларнинг деярли барчаси қўлда, XVIII аср 20 йилларида қарор топган “фуқаролик шрифти”да ва XIX асрда Россия давлат

муассасаларида кенг ёйилган каллиграфик «канцелярия» ҳуснихатида ёзилган. Шунингдек, иш юритиш ҳужжатларининг барчаси рус тилида ва XIX асрда узил-кесил шаклланган “канцелярия” услубида яратилган. Бу услуг (услубнинг ўзига хос ҳусусиятлари: придаточные предложения, специфические канцелярские обороты, выражения и термины) XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия маъмурӣ-бюрократик ташкилотларида яратилган барча ҳужжатлар учун ҳусусиятларидир.[4] Шунингдек, ишларда эски ўзбек, форс-тожик, яхудий ва ҳинд тилларида ёзилган ҳужжатларни ҳам кўриш мумкин.

Божхона ҳужжатлари, айниқса И-46-(Туркистон божхона округи бошқаруви), И-121-(Тошкент шаҳар закотчилик бошқармаси) жамғармаларида сақланаётган ҳужжатлар орасида араб-форс имлосида ёзилган ҳужжатлар талайгини. Маҳаллий тил ва ёзувда ёзилган ҳужжатларни шартли равишда икки гурухга ажратиш мумкин: 1) маҳаллий тил ва ёзувнинг ташувчилари томонидан яратилган расмий ҳужжатлар; 2) идоралар тилмочлари томонидан маҳаллий тил ва ёзувга ўгирилган ҳужжатлар; Чунки улар ёзувнинг шакли ва услуби жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи ҳусусиятларга эга. Тадқиқот давомида уларни бир-биридан фарқлаш қийин эмас. Шунингдек, ишларда яхудий (иврит) ва ҳинд имлосида ёзилган расмий ҳужжатларни ҳам кўриш мумкин. Айрим ишларда ёзув машинкасида ёзилган ҳужжатларни ҳам учратиш мумкин. Бироқ улар мазкур ҳужжатларнинг асл нусхаси эмас, улар идоралар фаолиятида ёзув машинкаларидан фойдаланиш бошлангач (1898 йилдан кейин), кўчирилган ёки ҳужжатларни сақлаб қолиш мақсадида архив мутахасислари томонидан кўчирилган нусхалардир. [1.,15]

Божхона идоларининг деярли барча ҳужжатларда ҳужжатнинг ёзилган, аксариятида иш юритувига олинган санаси кўрсатилган. Рус тилидаги ҳужжатларда саналар милодий йил ҳисобида, 1918 йил 14 февралгача амалда бўлган юлиан тақвимида (айрим ҳужжатларда юлиан ва григорян тақвимдаги саналар биргаликда кўрсатилган: масалан, 2/14 сентября 1868 г.) кўрсатилган бўлса, миллий тил ва ёзувдаги ҳужжатларда саналар ҳижрий йил ҳисобида, яхудий тили ва ёзувида ёзилганларда яхудий тақвими бўйича келтирилган. Ҳужжатнинг ёзилган санасини аксарият ҳолларда ҳужжатнинг бошида, айрим ҳолатларда ишнинг охирги варағида кўриш мумкин. Иш юритиш ҳужжатининг яратилган вақтини аниқлаш ва тадқиқотда белгилаш жуда муҳим. Чунки бу ҳужжатнинг тарихий манба сифатида баҳоланишининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Айниқса, қонунчилик ҳусусиятига эга бўлган ҳужжатларда уларнинг тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган вақтини ҳисобга олиш лозим.[4]

Хулоса ва таклифлар. Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, бугунги кунда Ўзбекистон Миллий архиви жамғармаларида сақланаётган ва Туркистонда божхона тизими фаолиятига оид ҳужжатларнинг манбашунослик нуктаи-назаридан ўрганилиши Россия империясига

қарамлик даврида Туркистанда юритилган божхона сиёсати ва божхона идоралари фаолиятини очиб беришда бирламчи ҳужжатли манбалар ҳисобланади. Уларнинг ўрганилиши ва илмий муомалага тортилиши ўтмиш воқеликларини холислик нуқтаи-назарилан тиклашда, тизим ўлароқ божхона идоалари фаолиятини очиб беришда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахмедов Т.О. Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси иш юритиш ҳужжатлари тарихий манба сифатида: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. Тошкент. 2021.
2. Ахмедов Т.О. Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси иш юритиш ҳужжатлари тарихий манба сифатида: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. Тошкент. 2021.
3. Гирс Ф. К. Отчет ревизирующего по высочайшему повелению Туркестанский край тайного советника Ф. Гирса. / Ф.К. Гирс. – СПб.: б.м., 1883.
4. Источниковедение истории СССР. Под.ред. И.Д.Ковальченко. Учебник. М., «Высшая школа», 1973.
5. Источниковедение: Теория. История. Метод. Источники российской истории: Учеб. пособие/И.Н.Данилевский, В.В.Кабанов, О.М.Медушевская, М.Ф.Румянцева.М.: Российск. гос. гуманит. ун-т,1998.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Тошкент, 2019 йил 20 сентябр. Манба:<http://aza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasida-arkhiv-ishi-va-ish-yuritishni-takom-20-09-2019>
7. ЦГИА УзССР, Путеводитель. Сост.: З.И.Агафонова, к.и.н. Н.А.Халфин. Т.,1948.
8. Шепелев Л.Е. Изучение делопроизводственных документов XIX – начала XX в. Вспомогательные исторические дисциплины. Изд-во «Наука». Ленинград, 1968.
9. Эргашев Б.Э. Делопроизводственная деятельность канцелярии Туркестанского генерал-губернаторства (историко-источниковедческий анализ): /Б.Э.Эргашев. МВССО РУз, Самаркандинский гос. ун-т. – Ташкент: Фан, 2015.